



ХАВАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

Сотувда эркин нархда

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 31 март № 13 (138) •

“ДЭУТЕЛЕКОМ” МАМЛАКАТИМИЗ КЕНГЛИКЛАРИДА

Жанубий Кореянинг “ДЭУкорпорейшн” фирмаси маҳсулотларини жаҳоннинг қарийб 100 га яқин мамлакатлари зўр қизиқиш билан сотиб олмақда. Мамлакатимизда бу фирманинг бир неча қўшма корхоналари қурилиб, иқтисодимизнинг ривожланишига, замонавий техникалар билан бойишига сабабчи бўлмоқда. Шундай фирмалардан бири “ДЭУтелеком” бўлиб, унинг кенг миқдосли ишлари таҳсинга лойиқдир. “ДЭУтелеком” фирмасининг бошқа фирмалардан фарқи шуки, у шартнома тузишдан тортиб амалий ишларгача бўлган масалаларни қисқа муддатда ҳал қилади. Фирманинг Фарғонада амалга оширган бир қатор ишлари бунга мисол бўла олади.

Корея тадбиркорлари олдин ишнинг амалий жиҳатини ҳал қилиб, кейин мол айирбошлаш масалалари билан шугулланишади. Вилоят ҳокимияти ҳам ўз сўзининг устидан чиқяпти. Ишга туширилган АТСлар эвазига келишилган муддатда тегишли маҳсулотларни ҳамкорларга жўнатиб туришибди. Дадиллик, таввақалчилик ва ишонч ушбу фирманинг асосий тамойилига айланган. “Мақсадга эришиш учун барча сазй-ҳаракатни аямаслик керак” деган ибора “ДЭУ” фирмасининг асосий шioriларидан биридир. Фарғона худудларида янги АТСларнинг ишга тушишига бағишланган тантаналарда қатнашган ҳокимлик ва бошқа ташкилот вакиллари бунга тўла ишонч ҳосил қилдилар.

“ДЭУтелеком” менежерлари кундан-кунга, янгидан-янги тақдиф ва лойиҳалар тайёрлашмоқда. Жумладан, Сирдарё, Андижон, Хоразм ва бошқа вилоят ҳокимликлари билан музокаралар ўтказилди ва фойдали қарорларга келинди. Масалан, Сирдарё вилояти билан имзоланган келишувга кўра, пахта хом ашёси эвазига бу вилоятда янги АТСлар куриш мўлжалланган. Маскур келишувга кўра, Гулистон, Сирдарё, Янгиер, Ширин шаҳарларида умумий ҳажми 40 минг миқозга мўлжалланган янги АТСлар курилиши кўзда тутилган.

Бу сафар ҳам иш режадан олдин бажарилди. Электрон АТСлар тайёрлашни ўз зиммасига олган сеулликлар буюртмани дарҳол бажарди. “ДЭУ” вакиллари танлов асосида 12 та мутахассисни саралаб, Сеулда уч ой ўқитишди.


“ДЭУ” республикамизда ўз фаолиятини янада ривожлантириб, Хоразм шаҳрида электрон алоқа воситалари заводи курилишида иштирок этиш хоҳишини билдирди. Шу мақсадда “ДЭУтелеком” корхонаси президенти, жаноб Пак Санг Кью Ўзбекистонга ташриф буюриб, Республика Алоқа вазирлигининг бир гуруҳ мутахассислари билан музокаралар ўтказди. Шунингдек, фирма Хоразм вилоятида 20 минг рақамли янги АТСлар куриш мажбуриятини олди. Худди шундай ишлар Андижон вилоятида, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида ҳам олиб борилиши мўлжалланмоқда.

Музокараларнинг энг махсуддор натижаси — Республикада телекоммуникация тармоқларини таъмирлаш ва ривожлантириш Миллий дастурига кўзда тутилаётган, XXI аср талабларига жавоб берадиган алоқа техникаларини жорий қилиш ва ҳамкорлик қилишга алоқадор ҳужжатларнинг имзоланиши бўлди.

“ДЭУтелеком” президенти жаноб Пак Санг Кью музокаралар сўнггида Алоқа вазирлиги жуда самарали ишларга қўл ураётганлигини юқори баҳолади.

Замонавий телефон тизимларининг жорий қилиниши элимизни янада фаровон турмуш кечирishiга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

А. КУДИНОВ



Суратда: С. Рахимов тумани телефон алоқаси тармоғи кросс электромонтёри Светлана Нормуродова.

Телефон узокли яқин, мушкулди осон қилувчи кундалик ҳаётимиздан биридир. Узокдаги қариндошингиз еки танишингиз билан гаплашмоқчисиз. Айни муддао. Рақамларни терсангиз бас. Истаган манзилнингиз билан бир зумда уланасиз. Хожатингиз чиқади-ю. Лекин...

Ҳозирги кунда шаҳарлараро телефон станциясининг ишини бир мунча дуруст десак янгилашмаймиз. Чунки хоҳлаган шаҳар билан, ҳатто хорижий мамлакатлар билан ҳам боғланиб, бемалол суҳбатлашишингиз мумкин. Овозларнинг жарангдор, тиниклигидан худди кўшинингиз билан гаплашаётгандек бўласиз.

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Шундай бўлишига қарамасдан, иш бор жойда хато бор деганларидай, шаҳарлараро телефон хизматининг ҳақ олишда бир қатор камчиликларга йўл қўяётгани бизни ўйлантириб қўйди. Айтайлик, бошқа шаҳардаги телефон рақамини теришингиз билан магнит тасма дарров қайд қилиб олади. Телефон банд бўлса ҳам, ҳатто ҳеч қандай овоз келмаса ҳам ёзиниб қолдирад экан. Бу ташкилотда ярим дақиқа еки 40 секунд деган ўлчовнинг ўзи йўқ. Фақат тўлиқ дақиқа (яъни бир минут) ҳисобда ҳақ олинади. Фикримизни далиллас учун мисоллар келтириб ўтамиз. Дейлик, бошқа шаҳардаги телефон рақамини бир неча бор тердингиз, ўша рақамдаги телефонга тушолмасангиз ҳам, барибир ҳисоб-китоб қилиниб, бир дақиқа учун хизмат ҳақи олинади. Шундай пайда ҳақли савол туғилади. Ахир телефон банд бўлиши, жавоб бермаслиги ҳам мумкин-ку? Тўғри эмасми?

Эркин ИБРОХИМОВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ВОҚЕАЛАР • ЯНГИЛИКЛАР
• ХАВАРЛАР

• “Андижон-Бухоро” поезда илгариги йўлини узайтириб, энди Термизгача борадиган бўлди. Ҳозирча поездлар тоқ кунларда йўлга чиқмоқда.

• Кўнғиротдан 40 километр узокликдаги Кийиксойда Марказий Осиёда ягона сода ишлаб чиқарадиган завод курилиши бошланди.

• Севимли адабимиз Асқад Мухтор 75 ёшга тўлди. Шу кунларда адабнинг дўстлари, шоғирлари уни бу қутлуг айём билан муборакбод эттишмоқда.

• Тошкент шаҳрида Италия тўқимачилик жиҳозларининг Ўзбекистондаги кунлари ўтказилди. Бу тадбир Италия ташқи савдо институти, Италия тўқимачилик жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг “Интерсервис” бирлашмаси томонидан уюштирилди.

• Буюк Британиянинг Бош вазир Жон Мейжор фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги мўносабати билан ўтказиладиган тантаналарда қатнашиш учун 9-майда Москвага боришини маълум қилди.

• Санкт-Петербург шаҳрида аёллар ўртасида ўтказиладиган тож даявогарлари баҳсида еш гроссмейстер Жужа Полгар собиқ жаҳон чемпиони, гуржи кизи Майя Чибурданидзени маглубиятта учратди. Шундай қилиб, Майяга бу сафар омад қулиб боқмади. Тож учун жаҳон чемпиони, хитойлик Се Цяунга қарши венгрлялик Жужа Полгар шохмат тахтаси ённга ўтирди.

• Қозғистоннинг уч нафар космонавти мамлакатининг олий мукофоти — “Халиқ Қаҳармани” ордени билан мукофотланди. Мукофотни топириш маросимида космонавтлар ҳам ўз навбатида Республика Президентига аjoyиб совга тақдим қилдилар. Назарбоевга унинг портрети, Қозғистон байроғи ва космонавтлар билан фазога олиб чиқилган Қуроъни Карим совга қилинди.

• Финляндия Социал-демократик партияси умумий сайловларда муваффақият қозонди. Шундай қилиб, мамлакатда ўнг марказий коалициянинг тўрт йиллик бошқаруви барҳам топди.

• Ироқ Президенти Садам Ҳусайн Форс кўрфазига қирғоқларида маглубиятга учраганидан кейин янги саройлар куриш ва эскиларини таъмирлаш учун 1,5 миллиард доллар сарфлади.

• Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро ҳамжамиятга Арманистон, Озарбайжон ва Грузияга инсонпарварлик ердами кўрсатиш учун 118 миллион АҚШ доллари тўплаш юзасидан мурожаат қабул қилди.

БОШҚАРУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўқув юртига тамомланганлар янги жойга ишга борганда кичик бир гуруҳни ҳам бошқара олмасликлари табиий ҳолдир. Бунинг асосий сабабларидан бири ўша талабанинг бошқариш услубини билмаслигидир. Айниқса, ҳозирги иктисодий қийин шароитда, корхона ва ташкилотлар учун етук мутахассилар тайёрлаш энг долзарб муаммолардан биридир.

Илгари бошқарувчи кадрлар тайёрлаш ишига панжа орасидан қараб келинарди. Республикамиз мустақил бўлгач, бу масалага кенгроқ эътибор берилди бошланди. Биз келгусида демократик жамият қураётган эkanмиз, корхона ва ташкилотларни бошқара оладиган билимдон раҳбарлар тайёрлашни ҳамisha ўйлашимиз керак. Шу боис алоқа коллежимизда ҳам бошқарувчилар тайёрлаш йўлга қўйилиб, бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозир раҳбарларга бир қатор ҳуқуқ ва имтиёзлар берилган. Шундай бўлишига қарамадан одамларни жалб қилолмайдиган раҳбарлар ҳам учраб туради. Бу эса ўша раҳбарнинг ўз ишини обдон билмаслиги ва раҳбарлик қобилияти етишмаслигидан келиб чиқади.

Айрим мутахассислар талабаларга бошқарув ишларини ўргатишнинг фойдаси йўқ деб ҳисоблайдилар. Бу тўғри эмас. Ўз соҳасининг билимдони бўлган талабада бошқарувчилик салоҳияти, қобилияти бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун сеҳли, қатъиятли талабалар танлаб олиниб, уларга бошқарувчилик сирасорлари чуқурроқ ўргатилса фойдadan холи бўлмайди.

Мухитдин БАХТИЁРОВ,
Тошкент алоқа коллежининг бош
услубчиси

• АЛОҚА МАТБУОТ КЎЗГУСИДА

ТЕЛЕФОН ҚИММАТ БЎЛГАЧ...

“Аргументы и факты” газетасининг ёзишича, шаҳарлараро телефон алоқасининг ҳар тўрттасидан бири хизмат юзасидан эмас экан.

Идораларни фақат четдан келган юлгичлар эмас, балки ўз одамлари ҳам хонавайрон қилишмоқда. Телефон станцияларидан келган хизмат ҳақлари қоғозларини синчиктаб кўрган бошқиклар ходимлари ҳақида кўп ғаройиб нар-

саларни билиб олишлари мумкин. Олисдаги ҳоласига уй телефонидан эмас, идорадан қўнғироқ қилиш ҳар жиҳатдан ўнғай-да...

Март ойидан Россия Алоқа вазирлигининг қарорига кўра олис хорижга телефон хизмати ҳақлари яна оширилди. Бу гал икки баробарига кўтарилди. Масалан, иш пайтида (8.00 дан 18.00 гана) Париж ёки Берлин билан бир

дақиқа сўзлашиш ҳақи 6300, Тель-Авив билан эса 15150 рублдир. Америка билан мулоқот бундан ҳам қиммат — 15000 рубла тенг. Африкага бир дақиқалик сим қоқиш учун эса 17500 рубл тўлаш лозим бўлади.

Хизмат ҳақлари кўтарилган сайин текинга сим қоқишни истовчилар ҳам кўпайиб бормоқда. Қалбаки пластмасса жетонларини

тайёрлаб, таксофонлардан фойдаланаётган удабуронлар пайдо бўлмоқда.

Москвада уч дақиқалик сўзлашув 400 рубл, энди телефон-автоматлар 20.000 марта қимматлашди. Ахир бунга қандай тоқат қилиш мумкин? Шунинг учун телефонингиздан қўнғироқ қилиб олсам майлими деювчилар кўпаймоқда.

ТЕЛЕФОНДА СЎЗЛАШИШ ОДОБИ

Телефонда гаплашиш тартиби ва меъри бор. Телефон-автоматларда уч дақиқа давомида бемалол айтса бўладиган гапни резинкадек чўзамиз, енимизда навбат кутиб турганлар билан ҳисоблашмаймиз.

Кўпинча биз тегишли маълумот олиш учун буюртма қабул қиладиган рақамларга (09, 06, 07, 062) бетўхтов, кетма-кет телефон қилаверамиз. Худди шу вақтда ушбу рақамлар банд эканлигини, унга турли томонлардан сигналлар оқиб келаётганини инobatта олмаймиз. Оқибатда безовталаниб, асабийлашамиз, иш устидаги телефончининг ҳам гашига тегамиз. Демак, телефон хизматидан фойдаланишда вақт тежашнинг меъерини билсангиз, ўзингизнинг эмас, шу юмушга алоқадор иккинчи бир кишининг ҳам асабини муҳофаза қилган бўласиз.

Айрим оилаларда телефон қилишга

мойиллик касали болаларда кучли. Улардан кўпинча телефон бўшамайди. Ҳатто ўқувчи болалар уй вазифаларини ва уларнинг ечилишини ҳам бир-бирларидан телефонда сўрайдилар, узоқ вақт тўшақни ушлаб турадилар, магнитофон кассеталаридаги езувларни қўйиб, телефонда эшиттирадилар. Эҳтимол, ўша хонадонда шу вақтда катталар дам олаётган ёки кимдир бу еққа телефон қилиб, туюлмаётган бўлиши мумкин.

Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун болаларга телефондан фойдаланиш маданияти ҳақида жиддийроқ сабоқ бериш лозим. Бунинг учун эса аввало катталарнинг ўзлари ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиши керак. Ахир қуш уясида кўрганини қилади дея бежиз айтилмаган.

Ш. АКБАРОВ тайёрлаган

• Ажаб дунё ҚАҲРАМОН МУШУК

Нью-Йоркнинг Лонг-Айленд туманида бир мушук иккита одами ўлимдан кутқариб қолгани учун нишонга сазовор бўлди. Мушукнинг эгаси, 60 ёшли Райал Куча ва унинг қўшниси, 58 ёшли Шеймс Хамелин енгин чиққанидан беҳабар, донг қотиб ухлаб ётишарди. Икки оёкли дўстларининг фалокатга эътибор қилишмаётганини кўрган мушук ётоқхонага кириб, қаттиқ миевланди. Бу ҳам ердан бермагач, аклли жонивор кескин “чора кўради”.

У кўрпага сакраб, то хўжайини уйғонмагунча юзига панжаси билан ура бошлади. Шундан кейин хўжайин ўрнидан туради ва қўшнисини уйғотиб, учовлон аланга ўраб олаётган уйни тарк этишади.

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

Шу кунларда шаҳар телефон тармоқларида хизмат кўрсатаётган телефон станцияларининг асосий қисмини координат АТСлар ташкил қилади. Уларнинг эскириб, ишдан чиқиб бораётгани ҳам сир бўлмай қолди. Бу телефон қурилмалари замонавий АТСларга қараганда кўп электр истеъмол қилиши, хона сатҳини кўп эгаллаши билан ҳам бирмунча ноқулайроқ эди. Замонавий АТСлар эса мустаҳкамлиги, чидамлилиги билан ҳар жиҳатдан қулай.

Республика Алоқа вазирлиги телефон тармоқларини замонавийлаштириш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Вазирлик “Алкател Сел РФТ” фирмаси билан шартнома тузиб, пойтахтимизнинг 44, 32, 33 ва бошқа АТСларини замонавий техникалар билан таъминлашни режалаштирмоқда. Шунга биноан Олмониянинг Арнштадт шаҳрида бир неча малакали муҳандисларимиз икки ой давомида янги станцияни бошқариш усуллари билан танишиб келишди. Олмо-

ниялик мутахассислар муҳандисларимизга рақамли телефон назарияси, станциянинг тузилиши, уларни ишлатиш ва назорат қилиш усуллари чукурроқ эгаллашларида яқиндан ердан беришди.

Бундан ташқари, мутахассисларимиз станциянинг иш фаолиятига оид статистика таҳлили ўтказиш, бунинг натижасига қараб ишлаш услубини аппарат ёки программа усулида ўзгартириш масалалари билан ҳам танишиб чиқинди.

Тажриба шуни кўрсатдики, муҳандисларнинг дастлабки олган билимлари юқори бўлгани учун телефон тармоғида, компьютерларда бемалол, ҳеч қийналмасдан ишлаб кетишди.

Ўқиш мобайнида Н. Зоҳидов, М. Иванян, Х. Ниезовлар олмон мутахассисларининг барча кўрсатмаларини бекаму-кўст бажаришиб, уларнинг ишончини қозонишди.

**М. ОРИПОВ,
Х. МИРЗОҲИДОВ**



АТСларнинг мураккаб техникасидаги нуқсонларни зудлик билан топиш ва бартараф этиш ходимлардан малакаларини мунтазам ошириб боришларини тақозо этади.

Суратда: 50-АТС катта муҳандиси Г. В. Шадрин ва электромеханик И. Лисицкаялар АТС жиҳозлари ҳақида фикрлашмоқдалар.

Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

КУНЛАРДАН БИР КУНИ

Эйнштейннинг ёрдამчиси профессорга депти:
— Профессор, бугун газеталар сизнинг етимингизни ёзишди.
Ишга ниҳоятда берилиб кетган олим шундай дермиш:
— Яхши, яхши. Менинг номимдан уни табриклаб, битта гулдаста юборинг.

Бернард Шоудан сўрашпти:
— Сиз қандай қилиб ҳозиржавоблик билан ақлли гапларни топасиз?
— Э булар осон нарса йўқ, — дея жавоб берди машхур ёзувчи, — бемаъни нарсаларни ҳайлимдан ўтказаман-да, кейин тескарисини айтаман.

Француз мутафаккири Монтень шундай деган экан:
— Менича, дунёда энг тўғри тақсимланган нарса — ақл!
— Нега бундай деб ўйлайсиз?
— Чунки шу махалгача ҳаля ҳеч ким ақли камлигидан нолиммаган.

Эрнест Хемингуэй жуда овга ишқибоз экан. Кунлардан бир кун у ов саргузаштларидан гапириб бераётганда тинловчилардан бири сўрабди.
— Айтишларича, агар одам қўлида ёниб турган машъала олиб юрса, унга ёввойи ҳайвонлар даф қилмас экан. Шу тўғрими?
— Бу машъалани қандай тезликда олиб юришга боғлиқ, — деб жавоб берди машхур ёзувчи.

ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

Ажралишавтган эр-хотин уч нафар фарзандларини ўзаро бўлишолмай жанжаллашарди. Ахийри эр ногоҳ бир нарса эсига тушандек шундай хитоб қилди:
— Топдим! Ажралишни яна бир йилга қолдирамиз!
— Нега энди қолдирад эканмиз?
— Бир йилда тўртинчисини тугасан-қўясан! Кейин иккитадан бўлиб олаверамиз!

Қирғоқда дарева қармоқ ташлаб ўтирган киши енига назоратчи келиб деди:
— Бу ерда балиқ овлаш мумкин эмас!
— Э шундай демасизми! — суюниб кетди балиқчи.
— Ўзим ҳам ўйловдим-а нега ичинмапти деб.

“ЖЭК” бошлиғи и хонасига ишқоятчи келиб, сўради:
— Бошлиғи ингиз қаерда?
— Бошлиғи йўқ!
— Ахир ҳозиргина уни деразадан кўрдим-ку!
— У сизни олдироқ кўрди-да!

Тун қоронғисида иккита шубҳали шахс ўзаро тўқнашди.
— Пулни чиқар! — дебди улардан бири ичогини чиқариб.
— Нега? — дебди иккинчиси тўплончасини чиқариб.
— Биласанми? — дея чайналибди биринчиси, — эглик мизени сира майдадай оқмайтман.

БОТОШ ҲАНГОМАЛАРИ СЎРАМАДИЯМ...

Ботошлик Кайпанбойнинг бир одати бор экан. Хотинини ҳеч бозорга олиб бормас экан.
Бозор кун Кайпанбойнинг хотини:
— Мени одам ўрнида кўрмайсиз! Уйда ўтирганим ўтирган, — дея болибди.
Шунда Кайпанбой:
— Ке, хафа бўлма, кетдик бозорга, — дея хотинини эргаштириб, бозорга жўнабди. Эр-хотин бозорлик қилиб қайтишавтганда олдиларидан шу кишлоқлик Сайпанбой чиқиб, хазилашди:
— Ахийри хотинингизни ҳам бозорга олиб чиқибсиз-да!
— Ха, озиб-ёзиб бир олиб чикувудим. Қайтди.
— Неччидан қайтди? — сўрабди Сайпанбой.
— Э, бозорда мол кўп экан, сўрамадиям, — дебди Кайпанбой.

КАЛ КЎП ЭКАН

Маниший хизмат кўрсатиш корхонасининг директори ботошлик Кайпанбойни узоқ кишлоққа сартаршолликка жўнатибди.
Уч кун ўтар-ўтмас Кайпанбой қайтиб келиб, директорга:
— У кишлоқда ўлсам ҳам ишламайман. Яхшияс, бошка жойга юборинг, — дебди.
Директор ҳайрон бўлиб, сўрабди:
— Нега?
— Чунки режаларимни бажаролмайман. У кишлоқда кал кўп экан, — дебди Кайпанбой.

ИТЛИГИНГ ҚОЛМАБДИ-ДА

Ботошлик мулла Кайпан қоронғида кетаётган экан. Олдидан бир итголар чиқибди. У шу баттолнинг юзини кўрмай деб бурилиб кетаётган экан. Халиги итголар:
— Ха, мулла Кайпан! Тўхтан, қаерга кетяпсиз? Барибир танидим, — дебди.
— Қани айт-чи, қоронғида мени қандай танидинг? — деб сўрабди мулла.
— Қияқ экансиз, мен одамларни ҳиддан танийман, — мактанибди итголар.
— Оббо! Халиям итлинг қолмабди-да, багчагар, — дебди мулла.

Эгамберди ҚУДРАТОВ

ОТАУЛИ

ЭЛЧИ

Она тилимизда “чи” қўшимчасини қўшиш орқали ясалган сўзлар жуда кўп йўлчи, тилчи, ишчи, қўшчи, гулчи, қўкчи, дарақчи, хабарчи, элчи... Булар қарийб барча туркий тилларда қўлланувчи энг қадимий сўзлардир. Мисол учун “элчи” сўзини олиб қарайлик. Бу қадим туркий сўзда араб тилидаги “расулудлоҳ” сўзидан тортиб то рус тилидаги “посол” сўзига қадарлик ўнлаб сўзлар аниқлашувчи маънолар мужассамдир. “Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули, яъни элчиси” деймиз. Ҳозирда мустақил мамлакатимиз пойтахтида очилаётган кўлаб элчи-хоналарнинг маъсул ходимларини ҳам бир сўз билан

шувчи болага қадар, ўз халқига бирон-бир хабар етказётган жамики одамлар — элчилардир. Чунки, шу эл дардида тупроқ бўлган — тириклайин ер остига кирган Дарвиш ота — Аҳмад Яссавидан бошлаб то шу бузилган ўлкани тузатиб, эпакага келтириш иштиғида куйиб кул бўлган Қаландар — Чўлпонгача “элим” деб, “юртим” деб ёниб-ўртаниб, куйиб-куйиниб яшаган не-не фидойи жонлар жафокаш халқимизнинг буюк элчиларидир.

Тилимизда “Элчига ўлим йўқ” деган қадим туркий мақол бор. Бу мақолдаги “элчи” сўзи бир подшоҳан иккинчи подшога муайян хабар олиб бораётган “чоплар” маъносидагина эмас, даставвал сўзнинг туб-ўзак маъносида қўллангандир. Дарҳақиқат, том маънодаги элчи, яъни, элпарвар, юртпарвар, халқпарвар, ватанпарвар одамга ўлим йўқ. Токи мазкур сўзнинг ўзаги ўйилмас экан, токи эл сақланиб қолар экан, бундай одамлар ҳамisha тирик! Бизнинг аср-римиздаги фидойи жонлардан бири, Озарбайжон халқининг улкан вақили ва ўзбек адабиётининг йирик намояндаси Максуд Шайхзода — Максуд муаллим ёзганидек, “Одамлар бор — ўлиғида тирикдир, Одамлар бор — тириғида ўликдир”. Агар элфуруш — сотқиллар тирик бўла туриб аслида ўлик жонлар саналсалар, том маънодаги элчи-элпарварлар жисмонан ўлган бўлсалар ҳам ҳамisha барҳаётдилар.


Агар жиддийроқ ўйлаб, мазмунини теран бўйлаб қарасангиз, “Элчига ўлим йўқ” мақоли замирида шундай бир инсоний қоида ва ижтимоий қонуният акс этибгина қолмай, айна чоғда “Элчига ўлим бўлмаслиғи керак” деган талаб, истак, хоҳиш, тилак ҳам зўхур кўрсатиб турибди. Зотан, халқ жуда яхши биладикки, том маънодаги элчининг — яшагани, элфурушнинг ўлгани яхши. Бегуноҳ элчининг ўлдирлиши ва осий элфурушнинг бамайлихотир айшини суриб яшайверини — буларнинг ҳар иккиси ҳам дахшат, ўша элнинг фожяси, инқирози, ҳалокатидан нишондир. Бинобарин, бундай ҳалокатнинг олдини олиб, келажакнинг муҳташам қасрине бунёд этмоқ учун аввало элфурушни қаргаб, элчини алқаш, агар инсофга келтиришнинг иложи бўлса, ашаддий элфурушни ҳам чинакам элчига йилантириш керак бўлади.

Япон адибларидан бирининг тўзал ҳикояси бор. Унда тасвирланишича, аллақим жаҳон харитасига термулиб, юм-юм йиғлаб ўтирган экан, таниши бу қолдан ажабланиб, сабабини сўрабди. Йиғлаётган одам хаританинг бир нуқтасига қўлини нуқибди. Таниши ажабланиб қараса, жаҳон харитасида Япония йўқ — қумга синганми, уммонга чўкканми, ишқилиб, йўқ! Беихтиёр сўрабди: “Ие, Япония қани?!” Ана ўшанда юм-юм йиғлаётган одам ошқор уввос солибди: “Ҳамма гап шунда-да! Ахир, мен уни сотиб еб қўйдим-ку!”

Аминманки, Япониянинг жаҳондаги энг пешкадам мамлакатлардан бири сифатидаги бугунги доврўтида, ҳозирги “япон мўъжизаси”да ана ўша ҳикоядек чинакам элпарварлик билан, санъаткорона яратилган асарларнинг ҳиссаси бекиёсдир.

“Элчи” сўзи хусусидаги икки ярим саҳифалик мақолачанинг якуни — киссадан хисса шуки, келин, ҳар биримиз шу қадимий Тил ва Элнинг том маънодаги элчилари бўлайлик! Ана ўшанда қадимий элимизда “япон мўъжизаси”дан ҳам ажойиброқ мўъжиза жамол кўрсатиши муқаррадир.

• Миноралар бу тарих элчиси



“элчи” деймиз. Биламизки, элчи — бир халқ номидан иккинчи бир халққа тегишли хабарни етказиб, икки ўртада ҳолис воситачилик қилувчи, дўстона муносабатлар, яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатувчи, икки мустақил давлатнинг ўзаро тил топишига ердამ берувчи, ҳамisha сулҳпарварлик йўлини тутиб, хушмуомала, самимий мулоқотларга киришувчи масъул шахсдир. Шу маънода элчи айна чоғда хабарчи, тилчи, йўлчи, хатчи... ҳамдир. Бугина эмас. Биз қўпунча бу қадим туркий сўзни юқоридаги каби турли маъноларда қўллаймизу, бироқ ундаги ўзак маънога етарли эътибор билан қарайвермаймиз. Модомики, “элчи” сўзнинг ўзаги: “эл” экан, том маънодаги элчи — элпарвардир. Яъни, ўзи мансуб бўлган эл ташвиши, юрт гами, халқ дарди, ватан қайғуси билан яшаши ўзининг энг муҳаддас ва шарафли бурчи деб билган одамдир. Бас шундай экан, муайян элчиҳона ва ваколатхонанинг масъул ходимигина эмас, кенг маънода, ўз умматига Аллоҳдан ваҳий узатаётган пайгамбардан бошлаб то ўзага ажратилган ҳудуддаги хонадонларга хат та-

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги	Рустам СОБИТ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК	Тоҳир РАҲИМОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ЖАББОР	Ёқубжон ХҲЖАМБЕРДИ
Анатолий КУДИНОВ	Бобохон ШАРИФ
Мирпўлат МИРЗО	ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
	Бўриной АҲМЕДОВ
	Билол АМИНОВ

Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Мехмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нуралли ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиғи лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулиятни муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №0-0129. 12697 нусxada чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми I босма табок.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБ АА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

